

ШОЛИ ДОНИ ТЕХНОЛОГИК СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Ўразметов Қ.К.
ТошДАУ доценти*

*Мейлиева Н.Н.
ТошДАУ магистранти*

Аннотация. Тажриба натижасида шоли навларининг техник сифат кўрсаткичлари назоратга нисбатан 3,6-4,5 % юқори эканлиги аниқланган. Навлараро солиштирилганда, Тарона навининг техник сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлиги кузатилган. Кузатувлар натижасида ўсимлик ривожланишида қанчалик эрта муддатларда экилиб вегетация даврини тўлиқ ўтаса, иссиқликдан, ёруғликдан кўп танасига сингдирса гуручнинг шишасимонлиги шунча юқори бўлишлиги аниқланган.

Калит сўз: шоли, экиш муддат, экиш меъёр, рувак, поя, дон, гуруч, сифат.

Аннотация. В результате эксперимента было установлено, что технические качественные характеристики сортов риса на 3,6-4,5% выше контрольных. По сравнению с сортами сорт Тарона показал высокое техническое качество. Наблюдения показывают, что чем раньше будет посажено растение и чем дольше будет поглощаться вегетационный цикл, тем выше излучение риса, тем больше излучение тепла и света.

Ключевые слова: рис, время сева, норма высева, метла, стебель, зерно, рис, качество.

Annotation. As a result of the experiment, the technical quality of rice varieties was found to be 3.6-4.5% higher than the control. Compared with the varieties, the Tarona grade showed high technical quality. Observations show that the sooner the plant is planted and the longer the vegetation cycle is absorbed, the higher the radiation of the rice, the greater the radiation from heat and light.

Keywords: rice, sowing time, sowing norms, spikes, stems, grains, rice, quality.

Кириш. Юртимизда азалдан шоли ва гуруч маҳсулотларига бўлган талаб катта бўлиб келган. Шу сабабли шоли етиштиришда мамлакатимизда Халқимизнинг кунлик истеъмолида ҳам гуруч маҳсулотлари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда тантана, тўй-байрамларда гуручдан тайёрланадиган палов зарурий таом ҳисобланади.

Шоли етиштиришни кўпайтириш гуруч сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ, агарда шоли доннинг қобиқчилигини ва шишасимонлигини 1 % га камайтирилса давлатга қўшимча равишда шоли ҳосил олиш имконияти яратилади [1, -80 б.].

Шоли рўвагидаги бошоқчалар қўлтиғининг ранги гулқобиққа мос бўлади. Бошоқча қобиғи ва гулқобиқнинг бошоқча вазнига нисбати қобиқдорлик деб аталади. Қобиқчилик шолининг навига боғлиқ бўлиб, мамлакатимизда

етиштириладиган навларнинг қобиқлилиқ даражаси 17-20 % ни ташкил қилади [2, -124 б.].

Шоли дони сифатига энг катта талаб қўйилади, бу ўз навбатида қобиқлилиги, ҳосилда тўла қимматли ва яхши пишган дон бўлиши, доннинг ялтироқлигига таъсир қилади. Бу сифат кўрсаткичлари бизнинг танлаган навларимизда яхши натижани берди.

Оқланмаган шолининг пўстлилиги (гул ва бошоқча қобиқлари вазнининг оқланмаган дон вазнига нисбати % ҳисобида) 14-35 % орасида кучли ўзгариб туради, бизда экиладиган навларда ўртача 17-20 % ни ташкил қилади. Гуруч дони кесиги бутунлай ялтироқ ёки ичида бирмунча ривожланган унли ядро бўлади. У дон кўнгалданг кесигининг 60 % игача қисмини эгаллайди [1, -28-29 б.; 3, -15 б.].

Шоли етиштиришни кўпайтириш гуруч сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ. Доннинг қобиқлилиги фақат 1 фоизга камайганда ва шишасимонлиги 1 фоизга оширилганда давлатга қўшимча равишда гуруч топшириш имконияти мавжуд бўлади. Доннинг бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ёрилишини, аралашган қизил, сарик, пишмаган ва бошқа дон миқдорини камайтириш йўли билан қўшимча шоли чиқиши ортади [1, -28-29 б.]

Шоли дони қобиқлилигини аниқлашда шоли донининг намлиги 14 фоизни, тозаллиги 99 фоиз ни ташкил қилди.

Шолининг ҳосилини кўтариш билан бирга унинг сифатига ҳам аҳамият бериш керак. Гуруч сифатига вегетация даври ва фойдали ҳаво ҳарорати йиғиндиси таъсир этади. Гуруч инсон организми учун юқори каллориялилиги ва тез ҳазм бўлиши билан ажралиб туради. Гуруч таркибида 75,2% карбон сувлари (асосан крахмал), 7,7% оқсил, 0,4% мой, 2,2% тўқима, 0,5% кул моддалари ва 14% сув мавжуд. Гуручдан тайёрланадиган овқат жуда тез ҳазм бўлади ва тўлиқ ўзлашади. Гуручнинг ўзлаштирилиш коэффициенти 96%, каллориялиги 3594 тенг. Гуручнинг майдаси-оқушоғидан спирт, ароқнинг алоҳида тури (саке), пиво тайёрланади ва крахмал олинади. Гуруч крахмали тиббиётда, тўқимачилиқ саноати, парфюмерия, тиббиёт соҳасида кўп ишлатилади. [4; 75-б,]

Шоли навларининг пазандалик ва технологик хусусиятига эга бўладиган объектив кўрсаткичлардан бири, дондаги амилоза модда миқдори. Ҳар хил ўсимликда крахмал миқдорида 10-30% амилоза ва 70-80% амилопектин бор эканлиги аниқланган. Донинг шишасимонли юқори ва вегетация даври узунроқ бўлган намуналарда амилоза миқдори кўп бўлади.[5; 655-б]. Ўзбекистонда дала экинлари биологиясига асосланган ҳолда етиштириш технологияси такомиллаштириш, шолчилиқда сувдан тежаб фойдаланиш, аҳолини озиқ-овқат, чорвачилиқни ем-хашак, саноатнинг айрим тармоқларини хом ашё билан таъминлаш мақсадида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эга [6; 10-21-б]

Шолидан олинаётган гуруч маҳсулотларини дунё бозорида тутган ўрни беқиёс. Инсонларнинг кунлик озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Гуручнинг техник кўрсаткичлари (гуруч чиқиши, бутун гуруч чиқиши, шишасимонлиги, кобиклиги) ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир.

Ғалла етиштириш дунё миқёсида энг ривожланган соҳалардан биридир. Инсонларнинг яшаши учун асосий озиқ -овқат товарларидан бири ҳисобланади. Шолидан қайта ишлов берилиб гуруч ва гуруч маҳсулотлари олинади, гуручдан эса гуруч уни, ёрма, нон маҳсулотлари ва ҳар хил турдаги макаронлар тайёрланади. Унинг ҳосилдорлигини ошириш эса энг долзарб вазифалардан биридир. Ҳосилдорликни ошириш билан бирга олинаётган маҳсулотнинг сифат ва техник кўрсаткичлари ҳам асосий масалалардан ҳисобланади. Гуручнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш Давлат нозорати текшируви билан амалга оширилади. Сифатли дон етиштириш, олинаётган ҳосилдан тайёрланаётган маҳсулотларнинг хилма хиллигини ва ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришни таъминлайди.

Давлат стандарти гуруч маҳсулотларининг техник сифат кўрсаткичлари ГОСТ 10987-76 методикаси билан баҳоланади¹.

Тажрибада ўрганилаётган шоли навларининг техник сифат кўрсаткичлари 1-жадвалда берилган.

1-Жадвал

Экиш муддатлари ва меъёрларининг шоли дони технологик сифат кўрсаткичларига таъсири, 2015-2017 йил

экиш муддати ва мъёри	вариантлар	гуруч чиқиши, %	бутун гуруч чиқиши, %	Шисаси-монлиги, %	кобиклиги, %
Тантана					
5 V	4 млн	68,5	88,3	89,4	17,4
	5 млн	69,9	89,9	88,5	17,7
	6 млн	68,5	89,4	87,4	18,2
15 V	4 млн	68,6	89,1	88,7	17,6
	5 млн	69,5	90,7	87,9	17,8
	6 млн	68,8	90,7	86,4	18,2
25 V	4 млн	69,3	91,0	87,5	17,4
	5 млн	70,8	91,2	86,7	17,8
	6 млн	69,3	91,7	85,3	18,6
5 VI	4 млн	65,8	85,7	85,1	16,2
	5 млн	64,5	85,1	84,5	16,5
	6 млн	63,0	84,5	82,5	17,0
Тарона					
15 IV	4 млн	70,4	90,8	93,9	17,4
	5 млн	71,2	91,9	93,5	17,6
	6 млн	71,5	92,2	91,8	18,1
5 V	4 млн	70,8	91,2	92,9	17,5

¹ ГОСТ 10987-76. «Зерно. Метода определения стекловидности.»

	5 млн	71,1	91,7	91,5	17,5
	6 млн	70,7	92,0	90,3	17,8
15 V	4 млн	70,9	92,3	92,2	16,9
	5 млн	71,5	93,1	91,5	16,9
25 VI	6 млн	70,9	93,0	90,1	18,0
	4 млн	68,4	88,3	89,4	16,1
25 VI	5 млн	67,0	88,1	88,5	16,7
	6 млн	65,9	89,5	86,7	17,1
Илгор					
5 V	4 млн	69,7	89,8	92,8	17,5
	5 млн	69,1	90,3	92,0	17,5
	6 млн	68,9	89,5	91,5	18,2
15 V	4 млн	69,5	90,0	91,5	17,2
	5 млн	69,9	90,4	90,7	17,6
	6 млн	68,7	90,3	89,5	18,4
25 V	4 млн	69,2	90,3	91,1	17,4
	5 млн	69,8	91,9	90,3	17,6
	6 млн	68,7	91,0	89,4	18,1
5 VI	4 млн	67,0	87,5	87,9	16,8
	5 млн	65,5	86,7	86,3	16,8
	6 млн	64,9	86,7	86,2	16,9

Гуручнинг шишасимонлигини юқорилиги ундан олинаётган маҳсулотлар гуруч уни ва ёрмасининг рангидан билиш мумкин. Оқ рангли ёрқин ва тиник тусда бўлиши билан ажратиш мумкин. Гуручнинг таркибида оқсил моддасини кўп бўлиши шишасимонлигини камайтирса, крахмал моддасининг кўп бўлиши унинг акси бўлади. Кун чиқар мамлакатларда етиштирилаётган шолининг алоҳида навлари бор айнан крахмал миқдори ва ёпишқоқлиги юқори сабаби, уларнинг миллий нони ва нон маҳсулотларини тайёрлашди худди шу навлардан олинган гуруч унлари ишлатилади [7; 202-204-б].

Шоли донидан бутун гуруч кўп чиқиши экиш муддатларига ва экиш меъёрларига боғлиқ бўлади. Сабаби, шоли иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун ташқи муҳитдан қанчалик кўп иссиқликни, ёруғликни олса ўсув даврини тўла ўтаса, минерал ўғитлар билан фазаларга мослаб озиклантирилса, унинг шишасимонлиги ортади, натижада агротехник жараёнларга (комбайнда ўриб-йиғиштириш, қуритиш майдонларига техникада ташиш, тегирмонда қуритиш) чидамлилиги ортиб, гуручнинг техник кўрсаткичлари юқори даражада сифатли бўлади.

Олиб борилган тажриба натижалар шуни кўрсатадики, янги районлаштирилган шоли навларимизнинг техник сифат кўрсаткичлари назоратга нисбатан 3,6-4,5 % юқори эканлиги тажрибада аниқланди. Навлараро таққослаганимизда, Тарона навининг техник сифат кўрсаткичлари юқори бўлди. Экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича солиштирсак, 5май муддатида 4 млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда навлар бўйича шишасимонлиги юқори бўлди, Тантана 89,4 % , Тарона 93,9 % , Илғор 92,8 % ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич 5 июн муддатида 6млн. дона/га экилган вариантда Тантана 82,5 % , Тарона 86,7 % , Илғор 86,2 % шишасимонлик

даражасини кўрсатди. Ўсимлик ривожланишида қанчалик эрта муддатларда экилиб вегитация даврини тўлиқ ўтаса, иссиқликдан, ёруғликдан кўп танасига сингдирса гуручнинг шишасимонлиги шунча юқори бўлишлиги тажрибада аниқланди.

Бутун гуруч чиқиши эса экиш меъёрларига боғлиқ бўлиб, қанчалик сийрак экилса шунча тупланиш юқори бўлади, шунинг ҳисобига асосий поядаги рўвак донидан ён шохлардаги рўвак дони майдароқ бўлади.

Энг яхши кўрсаткич бутун гуруч чиқишида 25 май муддатида 6млн. дона/га унувчан уруғ экилган вариантда Тантана навида 91,7%, 25 май муддатида 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда Тарона навида 93,1 %, 15 май 6 млн.дона/га унувчан уруғ экилган вариантда Илғор навида 91,9 % ни ташкил этди.

Олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, янги яратилган шולי навларининг техник кўрсаткичлари назоратга нисбатан бутун гуруч чиқиши 2,6-3,3% , шишасимонлиги 3,6-4,5 % кўп бўлганлиги аниқланди.

Хулоса: маълумотларидан кўриниб турибдики, ўсимлик ўзининг ривожланиши ва хамма параметрлар бўйича, жумладан, техник сифат кўрсаткичлари юқори натижалар кўрсатиши учун мақбул экиш муддатларини ва меъёрлани танлаш керак эканлиги тажрибада кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чирков В.Н ва бошқалар. Шоличилик, Т.:Ўқитувчи,- 1977. 28-29-80 б
2. Исхаков Т.Э. Влияние срока сева на рост, развитие и продуктивность некоторых сортов риса в условиях Ташкентской области. Автореф. дисс. канд. с-х. наук.-Ташкент, 1969, с 15.
3. Атабоева Х.Н., О.Қодирхўжаев Ўсимликшунослик Т. Янги аср авлоди-2006 124 б
4. Иванова Л.В., Живодерова С.П., Николаев Н.А., Яичкин В.Н. Методические указание «Технологии хранения, переработки и стандартизации продукции растениеводства».- Оренбург: Издательский центр ОГАУ, 2004.-с.-75
5. Трисвятский А.А., Шатилов И.С., Товароведения зерна и продуктов переработки. 1992. с.-202-204
6. Рахимов Ғ., Джуманов З.Н. «Шоличиликда сувдан тежаб фойдаланиш бўйича тавсиялар». Тошкент, Мехнат-1998, 10-12 б
7. Шеуджен А.Х. Агрохимия и методология агрохимии. КубГАУ.- Краснодар.-2011. с.-655